

ФОЗИЛ ТИЛОВАТОВ

ҚОРА ҚУЗҒУН

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2011

УДК: 821.512.133—3

ББК: 84(5Ўзб)7

Т—49

Тиловатов Ф. Қора қузғун / Детектив роман — Т.: «Янги аср авлоди», 2011. — 148 б.

ISBN 978-9943-08-724-8

Ушбу асарнинг «Қора қузғун» деб номланиши бежиз эмас. Ундаги меҳрибон, садоқатли умр йўлдоши бўлишга аҳд қилиб, сўнгра бевафолик кўчасига кирган аёл қисмати; орият, рашк хислатларидан мосуво эркак феъл-атвори ҳайратга солади. Шунингдек, Жобирбекнинг яхши-ёмон кунларида ҳамроҳ, маслаҳатчи, суянчиқ бўлган, аслида эса тубан кимса Шосалимнинг тақдири ўзгача талқинда баён этилиши баробарида унинг атрофида танда қўйган хиёнаткор, жиноятчи кимсаларнинг кирдикорлари ҳам маҳорат билан очиб берилган. Бундай ҳалокатли қисматга сабаб нима? Ота-она тарбияси ёхуд атроф-муҳитми, балки инсонни адаштирувчи нафс кишанларидир?

Жобирбекнинг сирли тарзда ғойиб бўлиши ва бу жиноий ишнинг очилиш жараёни ўқувчини асар дунёсига жалб этади.

Ҳаётий ҳақиқат асосида қурилган роман сиз, азиз ўқувчиларга манзур бўлишига аминмиз.

УДК: 821.512.133—3

ББК: 84(5Ўзб)7

Т—49

Тақризчи:

Олим ТОШБОЕВ,

филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-08-724-8

© Фозил Тиловатов, «Қора қузғун». «Янги аср авлоди», 2011 йил.

1

Жиноят тафсилотлари битилган ҳужжатларга кўмилган терговчи бошини қоғозлардан кўтарганида тун ярмидан оққанди. Ўгирилиб деразадан ташқарига қаради — ҳеч нима кўринмади. Кўксида бир ҳадик ўрмалагандек бўлди. Хаёлида кимдир дераза ортидан ойнани қора парда билан тўсгандек бўлиб туюлди: «Одатда жиноятчилар бировнинг жонига қасд қилмоқчи бўлсалар, дераза дарпардаларини тушириб қўядилар!» Кўзини деразадан узиб, эшикка қарашга юраги бетламай турди. Ундан хотинлар пайпоғини бошига кийган жиноятчилар отилиб кирадигандек гўё, юраги увишди. Яхшиям шу пайт телефон жириглаб қолди-ю, бадбин хаёллар уни тарк этди.

— Алло, Акмал ака? — хотинининг бир оз ташвишли овози эшитилди гўшакдан. — Ҳалиям ишхонадамисиз?

— Ҳозир кетмоқчи бўлиб тургандим.

— Бир оз хавотир олдим. Қуюқ туман тушибди, машинани эҳтиёт бўлиб ҳайданг! — У қисқа-қисқа гудок бера бошлаган гўшакни яна бир муддат тутиб турди-да, сўнг жойига қўйди.

Акмал куни бўйи сирли жиноят тарихи битилган қоғозларга кўмилиб арзирли бир ечим топа олмади. Терговчи сифатида қаёққа боришни ҳам, нима қилишни ҳам билмай боши қотиб турганди. Энди эса уйга бориши, илиққина душ қабул қилиб, озгина тин олиши мумкинлигини англади. Хотинининг қўнғироғи аямажуз қишнинг қаҳри синган пайт баҳор дарагини олиб

келган қалдирғочнинг ташрифи каби ҳорғин руҳига илиқлик солди.

Ташқари анчагина совуқ экан. У пальтосининг ёқасини кўтариб олди. Кейин туманнинг қалинлигидан деярли кўринмай қолган йўлни тусмоллаб қадам босганча машинаси томон қараб кетди...

2

Акмал уйига келгач, иссиққина душ ҳақидаги қарорини бекор қилди. Овқатга ҳам иштаҳаси бўлмади. Қизиқ, вужудида чарчоқ, руҳан толиққан, қовоқлари зил-замбил бўлишига қарамай, нимагадир ухлашга ҳам ҳуши бўлмайди. Шундан, ётоқхона эшигини оҳиста очди-да, уни кута-кута ухлаб қолган хотинига термулиб бирпас туриб қолди. Йўлақдан тушган нур ёруғида кўкси очилиб, қора халати остидан ич кийими оқариб кўриниб турган, тим қора сочларини елкалари узра парришон ёйганча ухлаб ётган хотини шу дам кўзларига баайни қалдирғочга ўхшаб кўриниб кетди.

Шу асно хаёлидан «ялт» этиб бир фикр кечди: «уни деярлик ҳар кеч шу алфозда кўраман. Нега энди, келиб-келиб шу бугун қалдирғочга ўхшатдим? Бояги кўнғироғи боис, албатта! Тўхта-тўхта! Ҳм-м-м-м, демак...».

Акмал бир неча кундан бери ўзини қийнаб келаётган бир жумбоққа ечим топгандек бўлди. Жиноят жойидан топилган ён дафтарча, тўғрироғи «Ром» дея бошланиб, бир неча мантиқсиздек туюлган жумлалардан иборат ёзувни кўз олдига келтирди. У бу топилмани бир-икки кўздан кечириб, кейин жиноятга алоқаси йўқ, деган ўй билан эътиборидан соқит қилганди. Ҳозир эса, бир неча банддан иборат жиноят тафсилотларидан топа олмаган мантиқни шу парчагина варақда кўргандек бўлаяпти.

Хаёлини бир жойга қўйиб, фикрини йиғиб, муаммога тўла ойдинлик киритиш мақсадида, ётоқхона эши-

гини қанчалар оҳиста очган бўлса, шундай беозор ёпди-да, китобхонасига кириб кетди.

3

Акмал эрталаб жинойтга боғлиқ барча ҳужжатларни олиб кетганди, аммо ишхонага келиб ён дафтарчани столи устида унутиб қолдирганини сезди. Асабийлашмади, чунки ўшанда у дафтарчанинг бу жинойий ишга алоқаси йўқ деган қатъий фикрда эди. Ҳозир эса уни варақларкан, унутиб қолдирганим яхши бўлган экан, деб хурсанд бўлиб қўйди. Кейин, ўша жумбоқ сатрлар битилган жойни шошилмай ўқий бошлади: «Ром». *Бургут боласи чумчуқ+ ўхшаб яшамас= к|к. Олтин\ чибин нафси ҳак-к отса ўргамчак тўр. туш. Ўз= бино қил/ уй = девор. ёриғи+ чаён чиқ. нишини санчимоқ бўла. Оёқ остинг. илон чумчуқ полапон. ютмоқ пайида Калтакесак гумига бевафо. Бўталоқ тўпи+ ажра/ қ... гўшт/ чўқ.*

Акмал талабалик чоғи лекцияларни ёзиб олишга улгуриш учун қўлланиладиган белгиларни хотирасида тиклаб, матнни қайта-қайта ўқиди. Фақат чатилиб кетган сўнги сўзлардан бирини ҳисобга олмаганда жумлалар мазмунини деярли фаҳмлади. У қисқартма сўзлардан ҳосил бўлган маънони тоза оқ қоғозга қуйидаги тарзда ифодалади:

Бургутнинг боласи чумчуққа ўхшаб яшамаслиги керак. Олтинлиқ чибин нафси ҳакалак отгани туфайли ўргимчак тўрига тушади. Ўзинг бино қилган иморат деворининг ёриғидан чиққан чаён нишини санчмоқчи. Оёғинг остида ўрмалаб юрган илон полопонингни ютмоқ пайида. Калтакесак гумига бевафо. Туянинг боласи тўпидан ажраса қ... (?) гўштини чўқийди.

Бу ҳақиқатдан ҳам кимнингдир тақдирига очилган «ром», — ўйлади терговчи, кейин олдидаги оппоқ қоғозга: «Фолбин ким?» деб ёзди-да, катта сўроқ белгиси қўйди. Буниси ҳали номаълум. Аммо у ўта закийлик билан

мижозининг қисматини зарбулмасалда ифода этгани аён. Акмалнинг мушоҳадаси яна бир саволга бориб тақалди: «Мижоз ким?» Мантиқан олиб қараганда, — фикрлашда давом этди Акмал, — мижоз ён дафтарча соҳиби. Демак, «ром» — сирли жиноят қурбони, бир кечада дом-дараксиз йўқолган Жобирбекка аталган.

Акмал, юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноятни очиш йўлини қуйидаги тенгламада изоҳлади: «Ёндафтарча билан «ром» бир одамга, яъни мижозга тегишли. Мижоз — жиноят қурбони Жобирбек! Гепотеза — аксиомага тенг. Аксиомани эса аниқлаш керак», деб қоғозга яна битта сўроқ белгисини қўйди...

4

Энди ўқувчиларимизга ҳикоямиз қаҳрамони Акмал ва у тергов олиб бораётган жиний иш ҳақида маълумот бериш пайти келди.

Акмал шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси. Қорачадан келган, бўйдор йигит. Дзю-до билан боксдан ташқари, спортнинг шахмат турига ўта ишқибоз: «Шахмат ақлни пешлайди, ақл мураккаб масалаларга ечим топилсада қўл келади» деб ҳисоблайди. Оилали, битта фарзанди бор. Яқинда, эскироқ бўлса ҳам, машина сотиб олди. Энг муҳими ўз ишининг устаси. Фаолияти давомида, унга топширилган бирон-бир иш очилмай қолмаган. Ухламас-ухламайдик, лекин жиноятнинг тагига етмай қўймайди...

Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг хонасида йиғилганлар бир неча номзодлар ичидан ана шу йигитнинг шахси устида тўхталишди: «Менга маъқул!» — деди кўзойнакли барваста киши. Ҳамма унинг жавобини кутиб турганди. Аттестация комиссияси бир овоздан Акмалнинг номзодини, шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи лавозимига маъқуллади.

Ички ишлар вазирлиги академиясида бир ой малака ошириб қайтган куни, уни зудлик билан шаҳар ички

ишлар бўлими бошлиғи ҳузурига чақириб қолишди. Ўзига қолса, янги ҳафтадан янги лавозимда ишга чиқмоқчи эди. Оиласи билан қишлоққа ўтиб келишни мўлжаллаганди. Аммо, ота-онасини зиёрат қилиб келиш режаси бир оз орқага суриладиган бўлди.

— Зуддик билан пойтахтга жўнайсиз,— деди шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, салом-алиқдан кейин. — Бугун, шаҳримиздаги нуфузли корхоналардан бирининг директори Жобирбекнинг бир ҳафтадан бери дом-дараксиз экани ҳақида маълумот олдик. Бизга унинг дўсти Шосалим мурожаат қилди.

Айтишича, Жобирбек «Ёшлик» пансионатида даволанишда бўлган. Бир ҳафта бурун хонасидан чиқиб кетганича қайтиб келмаган. Ҳозирча қўлимизда бор маълумотлар шулар. Сизга пансионат жойлашган район милицияси ҳамкорлик қилади.

Акмал жиноят ҳақидаги дастлабки маълумотларни ён дафтарига ёзиб олгач, бошлиққа қараб қаддини ғоз керди:

— Кетишга рухсат беринг, ўртоқ майор!

— Худо ёр бўлсин! — деди бошлиқ, кейин Акмалнинг қўлини маҳкам, аммо самимий сиқиб хайрлашди.

5

Акмал бу иш шу қадар чигал эканини дастлаб хаёлига ҳам келтирмаганди. Шу боис пойтахт аэропортидан таксига ўтириб, пансионатга кетаркан, хаёлини ўзга бир кечинмалар банд этганди: «қизик, деди у бошини чайқаб, кеча кетгандим, бугун эса яна пойтахтдаман. Бу тақдирнинг туҳфаси бўлса керак!» Ахир, бир ой малака ошириш даврида, бир-икки сайлгоҳга чиққанини эътибордан соқит қилганда, кўргани фақат Академия ҳовлиси-ю, машғулот хоналари бўлди.

Машина ойнасига юзини босиб, шаҳарни томоша қилиб борар экан, у Тошкентнинг бундан ўн йил бурунги турқи билан бугунги қиёфасини хаёлан муқоя-

са қилди: «Жудаям ўзгариб кетибди. Йўллар кенг, ра-
вон. Йирик, муҳташам бинолар қурилибди».

Талабалик чоғи, квартира излаб шаҳарнинг айтар-
лик барча маҳаллаларига бош суқиб чиққан. Шундан,
шаҳарни жуда яхши биламан деб ўйларди. Ҳозир та-
нимади. «Ажабо! Бор-йўғи ўн йил ичида шунча ўзга-
риш!»

Бир куни дарс ва машғулотлардан кейин уларни боғда
ишлатишди. Чойхонадаги ишкомнинг битта токи қов-
жираб, барглари сарғая бошлаган экан. Ҳашарчилар бир
овоздан токни кесиб ташлашга қарор қилишди. Шу
пайт ўринбосарлари қуршовида генералнинг ўзи келиб
қолди. Паст бўйли, миқтидан келган бу одамни у ўшанда
биринчи марта кўрди. Унинг ҳақида эшитган мақтов
гаплар рост эканига ишонч ҳосил қилди.

— Наҳотки муаммонинг бошқа ечими бўлмаса? —
деди у, токни кесишмоқчи эканини эшитиб. — Уни да-
волаш керак. Токнинг илдиэларини зангга тўйинтириш
лозим!

Тўғриси, Акмал ҳам, бошқалар ҳам генерал айтган
сўзларнинг мазмунига унчалик тушунишмади. Шу боис
бошлиқдан кўрсатма кутиб жим туришаверди. Генерал
тўдадан учта йигитни ажратиб, автопаркдан занглаган
темир-терсақларни йиғиб келишга юборди. Қолганлар
токнинг атрофини кавлаб илдиэини очиб турди: «Тай-
ёр бўлган ўрани сув билан тўлатиб, сўнг эски темир-
терсақларни ташлаб кўминглар» деб топшириқ берди-
да, генерал кетди...

Барча ишлар қилиб бўлинди, аммо ҳамма ҳайрон —
нима иш қилишганини билишмасди. Барчанинг кўнгли-
дан кечаётган бир фикрни Николай деган капитан йи-
гит баён қилди:

— Ребята, генерал нас здорова розыграл!

Николайнинг хулосаси уч кунча умр кўрди. Одатда-
ги тушлик маҳали уларнинг кўзлари ўзлари ишлов бер-
ган токка тушди. Ажабо! Токнинг танаси жонланиб,
барглари ям-яшил тусга кирган эди.

Акмалнинг генерал ҳақидаги ана шу илк таассуроти, кейинчалик машғулотлар чоғида янги-янги тафсилотлар билан бойиди.

— Милиционернинг асосий вазифаси профилактик иш бўлиши лозим, — деган эди у бир машғулот чоғи, худди ўша ток воқеасини эслатмоқчи бўлган каби. — Жиноятнинг оқибатини дўхтирлар, нари борса гўрковлар ҳал қилишади. Биз унинг сабабларини топиб бар-тараф этишимиз — жиноятдан жиноят урчимаслигининг олдини олишимиз даркор.

Шофёр халқи машинага ўтирдими бас, кўзлари йўлда, қўллари рулда, оёқлари педалларда — қўйингки, танасининг барча аъзолари иш билан банд бўлади. Фақат битта аъзоси бундан мустасно — тили. Мижозлар билан ундан-бундан ҳангомалашиб кетишни хуш кўришади: «Узоқ йўлнинг танобини тортишнинг маъқул йўли шу», дейишади улар.

Такси ҳайдовчиси боядан бери миқ этмай шаҳарга маҳлиё бўлиб келаётган мижозига бир-икки қараб қўйди-да, кейин ўртадаги сукунат кемтигини тўлдирмоқ бўлдими ёки ўзини чалғитиш учунми, ёнбошида турган радиоприёмникнинг мурватини буради. Тиниқ, дилрабо куй тарала бошлади. Шофёрнинг бу иши Акмалга хуш ёқди. Чунки, боя у қуруққина тасвирларни томоша қилиб кетаётганди. Энди эса кўз ўнгида куй ва тасвир уйғунлашган манзаралар янада жозибали кўрина бошлади. Шу чоғи, беихтиёр фарғоналик ҳофизнинг «Тошкент» деган қўшиғини эслади:

«Донингни еган чумчуқ қайтиб келар Маккадан»...

Машина пансионатга яқинлашиб, тезлиги секинлашди. Акмал қўшиқ таъсиридан чиқди. Идрокини энди дом-дараксиз кетган инсон тақдири билан боғлиқ кечинмалар банд эта бошлади. Жиноят содир бўлган ҳудудга илк қадам босаркан, хаёлидан кечган дастлабки фикр шу бўлди:

— Тирик бўлса қайтади, қайтмаса излаб топамиз!..

Акмал тунни бедор ўтказган кеча шаҳардаги яна бир уйда чироқ ўчмади. Столдаги тунги лампа ёғдусида деворда каттакон бир соя акс этар: у тинмай паширос тутатар эди. Нуқул уф тортар, оғир-оғир хўрсиниб қўярди. Гоҳида, асабий бир ҳолатда сапчиб ўрнидан туриб кетар, гўё хона сатҳини қадамлаб ўлчамоқчи бўлгандек, тинмай у ёқдан-бу ёққа юарди.

— Барчасини яна бир бошдан ўйлаб кўриш керак!

Улкан соя хонанинг ўртасида тақа-тақ тўхтади. Кейин мулойим курсига ўзини ташлади-да, галдаги сигаретани ўт олдиришга тутинди. Гугуртни чаққанида «пов» этиб яллиғланган оловнинг шуъласида бир жуфт қон-талаш кўзлар унга тикилиб тургандек туюлди. Қўрқувдан бақириб юборишига оз қолди. Шоша-пиша ўтти пуфлаб ўчирди. Кўзларини чирт юмиб, қалтироғи босилгунга қадар қимир этмади: «Даҳшат! Бу қандай тизгинсиз азоб? Наҳот бу энди мени бир умр таъқиб этса!?»

Шарпа ўз онгини ана шундай саволлар тўри билан чирмар, кейин ўзига-ўзи тасалли бера бошларди.

— Дунёда одам ўлдирган битта сенми? Нима мунча қалтирайсан? Тур-э, эркакмисан ўзи?! Ҳадемай ҳаммаси унут бўлади: бундан кўра этагингни ёпиб, жинотнинг мисини чиқармаслик чорасини қилсанг-чи! Бундай лаллайиб юрсанг ўзингни-ўзинг ошкор қилиб қўясан-ку!

Шайтони шивирлаган таскин сўзлар кор қилди. Ботинида кечаётган галаёнлар бир оз босилди. Боядан бери кафтида гижимланиб қолган сигаретани ташлаб, янгисини олди. Тутатди. Ютоқиб-ютоқиб тортди. Ўша куни бўлиб ўтган воқеани бошдан-оёқ хотирасида тиклай бошлади...

Вайроналар ичра қўним топган кўр қушга ўхшаб узлатга чекинган, ним қоронғи хонадан паноҳ топиб зулматдан таскин излаган бу кўршапалакнинг кимлиги но-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2253> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2253> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2253>